

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**472 Тошкент давлат юридик университетида кадрлар  
тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон ва «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек Тошкент давлат юридик университетида модул тизимига асосланган ўқув жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент давлат юридик университети бакалавриятига хорижий фуқароларни қабул қилиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой ичида мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири М.М. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 2 июнь,  
347-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 2 июндаги 347-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига  
хорижий фуқароларни қабул қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат юридик университетига кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон қарорига мувофиқ хорижий давлатлар фуқаролари бўлган жисмоний шахслар, шунингдек хорижий давлат ҳудудида доимий равишда истиқомат қиладиган фуқаролиги бўлмаган шахслар (кейинги ўринларда хорижий фуқаролар деб юритилади)ни Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринда ТДЮУ деб аталади) бакалавриатига қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Хорижий фуқароларни қабул қилиш ТДЮУ бакалавриатига қабул квоталаридан ташқари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш Давлат комиссияси (кейинги ўринда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан белгиланадиган жойларга мувофиқ амалга оширилади.

Талабалар ўқиши қонун ҳужжатларида хорижий фуқаролар учун назарда тутилган тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

3. ТДЮУ бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш тест синовларисиз, ТДЮУда ўтказиладиган суҳбат натижаларига кўра ва рейтинг тизимига мувофиқ тўпланган балларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. ТДЮУ бакалавриатида ўқиш учун ҳужжатларни топширган хорижий фуқаролар, уларнинг дунёқараши, касбий лаёқати ва мотивацияси, умумий интеллектуал ва маънавий-ахлоқий даражасини аниқлаш нуқтаи назаридан суҳбатдан ўтказилади.

5. ТДЮУ бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш мазкур Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш**

6. ТДЮУ бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш тегишли ўқув йили учун тузилган ТДЮУ қабул комиссияси (кейинги ўринда қабул комиссияси деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Хорижий фуқароларнинг қабул қилиш тўғрисидаги аризалари қабул комиссияси томонидан 15 мартдан 15 июлгача қабул қилинади.

7. ТДЮУ бакалавриятига қабул қилиш учун ҳужжатлар Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали топширилади.

Хорижий фуқаролар аниқ вақт режимида электрон шаклдаги қабул қилиш тўғрисидаги аризани тўлдириб, унда: таълим йўналиши, таълим тили ва шакли; хорижий фуқаро томонидан олий таълим муассасасини тугатганлиги ёки унда олий маълумоти мавжуд эмаслиги; хорижий фуқаро суҳбат ўтказиш қоидалари билан танишганлиги хусусида белги кўрсатилади.

8. Қабул қилиш тўғрисидаги электрон аризага қуйидагилар электрон шаклда илова қилинади:

хорижий фуқаронинг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат;

белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган хорижий давлатнинг ваколатли органлари томонидан берилган, ўрганилган фанлар ва улар бўйича имтиҳонларда олинган баҳолар (баллар) кўрсатилган таълим ҳақидаги ҳужжат;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги рангли фотосурат.

Аризага илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат ҳақиқийлиги сақланишини таъминловчи (ҳар бир дюймга 200 нуктадан кам бўлмаган) алоҳида файл кўринишида бўлиши керак. Ҳар бир файл ўлчами 10 Мбдан ошмаслиги лозим.

Аризани ҳужжатлар «PDF» (portable document format) форматида сканер қилинган нусхалари кўринишида илова қилинган ҳолда жўнатишга йўл кўйилади.

Қабул қилиш тўғрисидаги аризининг шакли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ТДЮУ билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

9. Мазкур Низомнинг 7 ва 8-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ барча ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, 72 соат ичида ноёб рақам бериш орқали ариза рўйхатга олинади ва хорижий фуқарога белгиланган муддатда ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиш ҳақида хабар берилади.

Қабул комиссияси томонидан ҳужжатларни қабул қилиш вақти этиб аризага ноёб рақам бериш пайти ҳисобланади.

10. Тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 7 ва 8-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, 72 соат ичида аризада кўрсатилган электрон почта манзил бўйича хорижий фуқарога тегишли хабарнома юборилади. Бунда хорижий фуқарога кўрсатиб ўтилган камчиликларни тузатиш ва ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран тақдим этиш имкони берилади.

Ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш қатъиян ман қилинади.

11. Рўйхатга олинган қабул қилиш тўғрисидаги аризалар сони ҳар куни ТДЮУ сайтида жойлаштирилади.

12. Хорижий фуқаролар ҳужжатларнинг асл нусхаларини суҳбат ўтказилишидан 3 кун олдин тақдим этади.

Бунда чоп этилган ва имзоланган ариза хорижий фуқаро томонидан

тақдим этилади, бу ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

Хужжатларнинг сохта ёки қалбакилиги аниқланган тақдирда, хорижий фуқаро суҳбатдан (талаба ТДЮУ талабалари сафидан) четлаштирилади ҳамда ҳужжатлар эса ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

### 3-боб. Суҳбат ўтказиш

13. Хорижий фуқароларни қабул қилиш жойларининг сони ҳақидаги маълумот ТДЮУ веб-сайтида, қоида тариқасида, ҳужжатларни қабул қилиш муддатидан бир ой олдин жойлаштирилади.

14. ТДЮУ бакалавриятига қабул қилиниши учун хорижий фуқаролар ТДЮУда таълим бериладиган тилларни билиши керак. Таълим бериладиган тилларни билмайдиган хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган тегишли муассасаларда ўқийди ва тил ўрганиш бўйича тайёргарликни муваффақиятли тугатиш натижаларига кўра, белгиланган намунадаги гувоҳнома (сертификат) ва ўқишга йўлланма берилади.

15. Суҳбат 2 — 10 август кунлари ўтказилади.

16. Суҳбат ўтказилишига қадар маслаҳатлар ташкил этилади, маслаҳатлар жадвали қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва ТДЮУ ректори томонидан тасдиқланади.

17. Суҳбат ўтказиш жадваллари ТДЮУ ректори томонидан тасдиқланади ва ТДЮУ веб-сайтида, қоида тариқасида, суҳбат бошланишидан бир ой олдин жойлаштирилади.

18. Суҳбат ТДЮУ ректори буйруғи билан ташкил этиладиган махсус комиссия томонидан ўтказилади. Комиссия таркибига ТДЮУ ходимлари билан бир қаторда бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

Суҳбат натижалари хорижий фуқарога балларни қўйишни (0 дан 100 гача) назарда тутадиган рейтинг тизими бўйича аниқланади ҳамда махсус комиссия мажлисининг ТДЮУ ректори томонидан тасдиқланадиган баёнида қайд этилади.

Суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ТДЮУ билан келишилган ҳолда белгиланади.

19. Хорижий фуқароларни қабул қилиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

жадвал бўйича суҳбатга келмаганда (0 балл қўйилади);

суҳбатда белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам балл тўплаганда.

20. ТДЮУ бакалавриятига хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбатни қайта ўтказиш тақиқланади.

21. Сухбат натижалари шикоят қилиниши ва апелляция тартибида кўрилиши мумкин эмас.

22. Сухбат натижалари 20 августга қадар ТДЮУ бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун Давлат комиссиясига юборилади.

#### **4-боб. Қабул қилишни расмийлаштириш, ўқиш учун тўлов**

23. ТДЮУ бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш тўғрисидаги Давлат комиссияси қарори, қоида тариқасида, 20 августдан кечиктирмасдан қабул қилинади.

24. Давлат комиссияси томонидан хорижий фуқароларни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин ТДЮУ билан жисмоний ёки юридик шахслар ўртасида белгиланган тартибда контрактлар тузилади.

25. Белгиланган намунадаги контракт бланкалари қабул комиссияси томонидан Давлат комиссияси қарори эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва ТДЮУ ректори ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда (юридик шахслар учун 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада) расмийлаштирилади.

26. Хорижий фуқаролар ўқиш учун тўловни ҳар йили қонун ҳужжатларида ва контракт шартларида кўрсатилган муддатларда ТДЮУ валюта ҳисоб рақамига хорижий валютада амалга оширади.

27. Хорижий фуқароларни қабул қилиш жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ўқиш учун контрактда белгиланган маблағ миқдори 15 сентябрдан кечиктирилмай ўтказилгандан сўнг ТДЮУ ректори буйруғи билан расмийлаштирилади. Хорижий фуқароларга 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишга руҳсат этиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади.

28. ТДЮУ бакалавриатига қабул қилинган хорижий фуқароларга стипендия тўланмайди.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

29. ТДЮУ бакалавриатига қабул қилинган хорижий фуқароларнинг Давлат комиссияси баёни ва сухбат натижаларидан тегишли кўчирмалар уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларига тикиб қўйилади.

ТДЮУ бакалавриатига қабул қилинмаган хорижий фуқароларнинг сухбат натижалари 6 ой давомида сақланади ва кейинчалик белгиланган тартибда йўқ қилинади.

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Тошкент давлат юридик университети  
бакалавриатига хорижий фуқароларни  
қабул қилиш тартиби тўғрисида низомга  
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига  
хорижий фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш  
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I босқич	<p><b>Хорижий фуқаролар томонидан ТДЮУ қабул комиссиясига Интернет орқали ҳужжатларни топшириш</b></p> <p>1. Хорижий фуқаролар аниқ вақт режимида электрон шаклдаги қабул қилиш тўғрисидаги аризани тўлдирди. 2. Қабул қилиш тўғрисидаги электрон аризага тегишли ҳужжатлар электрон шаклда илова қилинади.</p>	15 мартдан 15 июлгача
II босқич	<p><b>Ҳужжатларни текшириш, аризани рўйхатга олиш ёки камчиликлар ҳақида хабар бериш</b></p> <p>1. Барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг ноёб рақам бериш орқали ариза рўйхатга олинади ва бу ҳақда хорижий фуқарога электрон почта манзили орқали хабар берилди. 2. Тақдим қилинган ҳужжатлар белгиланган талабларга жавоб бермаган тақдирда электрон почта манзили бўйича хорижий фуқарога кўрсатиб ўтилган камчиликларни тузатиш ва ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран тақдим этиш тўғрисида тегишли хабарнома юборилди.</p>	<p>ариза топширгандан сўнг 72 соат ичида</p> <p>ариза топширгандан сўнг 72 соат ичида</p>
III босқич	<p><b>ТДЮУ қабул комиссиясига ҳужжатларининг асл нусхаларини тақдим этиш</b></p>	суҳбат ўтказилишидан 3 кун олдин
IV босқич	<p><b>Суҳбатни ташкил этиш ва ўтказиш</b></p> <p>1. Хорижий фуқароларни қабул қилиш жойларининг сони ҳақидаги маълумотни ТДЮУ веб-сайтида жойлаштириш. 2. Суҳбат ўтказиш жадвалларини тасдиқлаб, ТДЮУ веб-сайтида жойлаштириш. 3. ТДЮУда ташкил этиладиган махсус комиссия томонидан хорижий фуқароларнинг дунёқарашини, касбий лаёқатини ва мотивациясини, умумий интеллектуал ва маънавий-ахлоқий даражасини аниқлаш нўқтаи назаридан суҳбатдан ўтказиш.</p>	<p>қоида тариқасида, ҳужжатларни қабул қилиш муддатидан бир ой олдин</p> <p>қоида тариқасида, суҳбат бошланишидан бир ой олдин</p> <p>2 — 10 август</p>
V босқич	<p><b>Суҳбат натижаларини Давлат комиссиясига юбориш</b></p> <p>1. Суҳбат натижалари хорижий фуқарога балларни қўйишни (0 дан 100 гача) назарда тутадиган рейтинг тизими бўйича аниқланади ҳамда махсус комиссия мажлисининг ТДЮУ ректори томонидан тасдиқланган баёнида қайд этилади 2. Суҳбат натижаларини ТДЮУ бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун Давлат комиссиясига юбориш.</p>	20 августга қадар
VI босқич	<p><b>ТДЮУ бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш тўғрисидаги Давлат комиссияси қарорини қабул қилиш</b></p>	қоида тариқасида, 20 августдан кечиктирмасдан

Босқич-лар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
VII босқич	<p><b>Қабул қилишни расмийлаштириш, ўқиш учун тўловни амалга ошириш</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқиш учун контрактларни расмийлаштириш.</li> <li>2. ТДЮУ валюта ҳисоб рақамига хорижий валютада тўловларни амалга ошириш.</li> <li>3. Хорижий фуқароларга дарсларга қатнашишга рухсат этиш тўғрисида ТДЮУ ректорининг буйруғини расмийлаштириш.</li> <li>4. Ўқишга қабул қилиш бўйича ТДЮУ ректорининг буйруғини расмийлаштириш.</li> </ol>	<p>15 августдан 2 сентябргача</p> <p>қонун ҳужжатлари ва контракт шартларида кўрсатилган муддатларда</p> <p>2 сентябрь</p> <p>15 сентябрдан кечиктирмай, контрактда белгиланган маблаг миқдори тўлангандан сўнг</p>

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 2 июндаги 347-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорининг 1-илувасида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда):

а) 4.3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимига асосланган олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурларини мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди»;

б) 5.1-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига мувофиқ айрим олий таълим муассасалари ёки таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бошқа фанлар блоклари белгиланиши мумкин»;

саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 7.3-бандининг рус тилидаги матни қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«В высших образовательных учреждениях, учебный процесс в которых в соответствии с законодательством основан на модульной системе обучения, учебная нагрузка может определяться высшим образовательным учреждением с применением кредита — условной единицы определения объема учебной нагрузки студентов».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорининг иловасида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 36-мод.):

а) 10-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
«Тошкент давлат юридик университетига педагог ходимлар адлия органлари ва муассасалари учун белгиланадиган тартибда ўтказиладиган танлов асосида қабул қилинади»;

б) II бўлим қуйидаги мазмундаги 11<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:  
«11<sup>1</sup>. Тошкент давлат юридик университетига ўқитувчи ва катта ўқитувчи лавозимларига олий маълумотга эга бўлган шахс (қоида тариқасида, магистр, дипломли мутахассис), шунингдек илмий даража (шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва амалий иш тажрибасига эга бўлган шахслар қабул қилиниши мумкин».

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 302-модда):

а) 2-иловага изоҳнинг иккинчи хатбошисида «Бакалаврият даражасида факультет деканати назарда тутилмайдиган» сўзлари «Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модул тизимига асосланган» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-иловада:

7-банднинг иккинчи хатбошисида «Бакалаврият даражасида факультет деканати назарда тутилмайдиган» сўзлари «Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимига асосланган» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларида йиллик шахсий иш режаси фақат ўқув тусдаги тадбирларни, уларнинг соатлар миқдорини кўрсатган ҳолда, ўз ичига олади. Ушбу соатларнинг энг кам миқдори олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан белгиланади»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошлари талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди».

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фу-



қароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 42-модда):

а) 1-банднинг тўртинчи хатбошига «агар» сўзидан кейин «қонун ҳужжатлари ёки» сўзлари қўшилсин;

б) иловада:

8-банддаги «агар» сўзидан кейин «қонун ҳужжатлари ёки» сўзлари қўшилсин;

12-бандда:

биринчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла билан қўшилсин: «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан келган хорижий фуқаролар олий таълим муассасалари бакалавриатига олий таълим муассасаси томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган суҳбат натижасида қабул қилинади»;

иккинчи хатбошига «тест синови» сўзларидан кейин «(суҳбат)» сўзи қўшилсин;

учинчи хатбошига «Тест синовлари» сўзларидан кейин «(суҳбат)» сўзи қўшилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарорнинг 3-илоvasида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 195-модда):

а) I бўлим қуйидаги мазмундаги 20<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«20<sup>1</sup>. Тошкент давлат юридик университетидан таҳсил олаётган талабалар иккинчи курсдан бошлаб ўқишнинг бир ўқув йилигача бўлган муддатни хорижий олий таълим муассасасининг юриспруденция йўналишида ўқиш ҳуқуқига эга. Талабанинг хорижий олий таълим муассасасида ўқиган даври ва ўзлаштирган фанлари хорижий олий таълим муассасаси маълумотномаси асосида университет Кенгаши томонидан университет ўқув режаси ва дастурларининг тегишли қисмларини ўзлаштирганлиги сифатида қабул қилиниши ва талабага ўқишини тегишли ўқув семестридан давом эттириш ҳуқуқи берилиши мумкин»;

б) 30-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимига асосланган олий таълим муассасалари талабаларига нисбатан мазкур банднинг «г» кичик банди татбиқ этилмайди. Ушбу олий таълим муассасаларида академик ўзлаштира олмаган (қарздор) талабалар ўзлаштира олмаган фанларни такроран ўқитиш учун тегишли курсда қолдирилади».

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон қарорининг 1-илоvasидаги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 453-модда) «Педа-

гог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказлари» бўлими «Минтақавий ва тармоқ марказининг номи» устунининг 15-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази».

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 декабрдаги «Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент давлат юридик университетларида ўқув юкламасининг ҳажмларини тасдиқлаш тўғрисида» 337-сон қарори 2-иловасининг рус тилидаги матнида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 691-модда):

а) 1-бўлим қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Бакалавриат

Максимальный объем аудиторных занятий при очной форме обучения должен быть установлен в объеме 30 часов в неделю.

При нормативном сроке обучения в 4 года продолжительность учебного процесса должна составлять 204 недели.

Общий объем учебного времени должен распределяться на:

теоретическое обучение — 40 — 55%;

аттестацию — 10 — 20%;

каникулы — 12 — 18%;

Самостоятельную подготовку — 6 — 14%;

квалификационную практику — 8 — 12%;

выпускную работу — 2 — 4%.

Объем времени теоретического обучения должен распределяться по блокам дисциплин следующим образом:

непрофильные дисциплины — 10 — 30%;

профильные дисциплины — 60 — 80%;

дополнительные дисциплины — 5 — 10%.

Общий объем каникулярного времени в учебный год устанавливается 5 — 14 недель»;

б) 2-бўлимда:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Максимальный объем аудиторных занятий и научной деятельности при очной форме обучения должен быть установлен в объеме 30 часов в неделю»;

бешинчи хатбошидаги «25 — 30» рақамлари «20 — 25» рақамлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «4 — 7» рақамлари «8 — 12» рақамлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«самостоятельную подготовку — 6 — 10%»;

еттинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.